# ОЛДИ–СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 13

**Глистон шахри** «13» декабр 2022 йил

**BUSINESS WOMAN-24 MCHJ** (ташкилот, корхона номи) (кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади) номидан ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари **Ш. Каримов**(вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва Гулистон тиббиёт кластери (корхона, ташкилот, муассаса номи), (кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади) номидан ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бошлиги К. Х. Котамов (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1.ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (Махсулот)номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Бахоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Офисный набор: Рахбар столи 2000*900*750, Стол приставной 1200*700*700, факс тумба 1200*500, Шкаф комбинированный акриловый 2итук 2100*1300*500 | комп | 1 | 58815000 | 58815000 |
| 2 | Стул металл каркас | шт | 1 | 6600000 | 6600000 |
| 3 | Подставка для телевизора | шт | 1 | 3400000 | 3400000 |
| | **Жами:** | | | | 68815000 |

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (махсулот)ни етказиб бериш муддати: «31» Декабрь 2022 йилгача

## 2.ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1.Ушбу шартноманинг умумий суммаси сўмни ташкил этади.
2.2. Сотиб олинадиган Товар (махсулот) учун олдиндан тулов миқдори 20644500 сўмни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг декабр ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 48170500 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов хисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи хужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил "31"декабргача амалга оширилади.
2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган.
2.4 Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
3.1.1.Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
3.1.3. Сотувчи тўпламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш **ёки ушбу шартноманинг 1-2-бандига мувофик сифати лозим даражада булмаган**
бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

## 4.ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳақконийдир.
4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлик топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар кийматининг 0,5 % микдорида неустойка тўлайди.
5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар кийматининг 5% микдорида жарима тўлайди:
5.4.Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган такдирда Сотувчи товар кийматининг 10% микдорида жарима тўлайди: ___
5.5. Товар ҳакини ўз вактида ёки тўлик тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % микдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган микдорда ўзининг махсус ҳисоб ракамидан пеня тўлайди.
5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
6.3. Шартнома муддатидан олдин куйидаги ҳолларда бекор килиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофик;
- Ўз.Р. конунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор холатларида
-

## 7.ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблаглари ҳисобига капитал курилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

## 8.НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.2 Тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўгрисида”ги конунга ва Фукаролик кодексига асосан иктисодий суди тартибида ҳал килинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган такдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал килинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят иктисодий судида хал килинади.

## 9.БОШКА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«СОТУВЧИ»**

**BUSINESS WOMAN-24 MCHJ**
(Товар етказибберувчи ёки хизматкўрсатувчининг номи)
Манзил: **Сирдаре вил Гулистон ш.** 3 мавзе, 11-uy, 7-xonadon

Тел./факс:916218603
Х/р: 20208000305507798001

Банк номи: ГУЛИСТОН Ш., АТ ХАЛК БАНКИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ
МФО 00759 ИНН – 309 402 251

Раҳбар . Ш.Каримов
(Ф.И.Ш)
(имзо)
М.Ў.

BUSINESS WOMAN-24 MASTULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI — O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI SIRDARYO TUMANI

**«СОТИБ ОЛУВЧИ»**

Гулистон тиббиёт кластери
(бюджетдан маблаг олувчи ташкилотнинг номи)
Манзил: Гулистон ш Ибн сино 15уй

Тел./факс: 226-36-33
Х/р: 401321860244017073101054006
Х/р:
Банк номи: Тошкент ш Марказий банк
Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи: 308655674
ОКОНХ: МФО:
Ғазначилик бўлинмаси номи:

Раҳбар (Ф.И.Ш)
Х Хотамов
(имзо)
М.Ў.

ҲУҚУҚШУНОС ХУЛОСАСИ:
Шартнома Лойихаси Ўзб.Р.нинг Фукаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўгрисида»ги Қонунни ва бошқа қонунларига мувофиқ тузилган.
Ҳуқуқшунос
Гувохнома ЮҚ-006477 И.Ш.Маматов
08.08.2018 йил

**ТАСДИҚЛАЙМАН**
**Гулистон тиббиёт кластери**
**Директори** ______________ **К.Х.Хотамов**
**"    "                    2022 йил**

# ТАНЛАШ БАЁННОМАСИ

**КУН ТАРТИБИ:** Сирдарё вилояти Гулистон тиббиёт кластери суғурта маблағлари хисобидан аутсорсинг хизмати асосида тезкор мебел ясатиб сотиб олиш учун

**1. BUSINESS WOMAN-24 MCHJ таклифини ўрганиб чиқиш**

**2. MEBEL ASL MARJON МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш**

Юқоридаги масала юзасидан директор ўринбосари Б.Тешабоев йиғилганларга Гулистон тиббиёт кластерига мебел тайёрлаб сотиб олиш бўйича хужжатларни тайёрлаш учун қуйдаги тижорат таклифлари бериш бўйича шартнома тузиш тўғрисида гапириб ўтди. 22.04.2021 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғриси"даги Қонуннинг самарали ижросини давлат буюртмачилари фаолиятини узлуксизлигини таъминлаш шунингдек давлат харидларини амалга ошириш тўғрисидаги ПҚ-684 - сонли Қарори Вазирлар махкамасининг 2020 йил 10 январдаги №16-сонли аутсорсинг хизмати кўрсатиш тўғрисидаги қарори ва Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2019 йил 7 августдаги №218-сонли Тиббиёт муассаларининг қўшимча ва ёрдамчи функцияларини (таом тайёрлаш, кир тозалаш, техник хизмат кўрсатиш, ахборот-коммуникация таъминоти ва х.к) хусусий секторга ўтказиш тўғрисидаги буйруғига асосан Сирдарё вилоят Гулистон тиббиёт кластери 2022 йил вақтинча тиббий суғурта маблағлари хисобидан маблағларин тўғри ва самарали ишлатиш мақсадида **2022 йил 09 декабрдаги лот 22110012197771** билан **68815000 сўмга** Мебел тайёрлатиб ясатиб бериш учун танловга берган эдик. Танловга ташриш буюрган товар (иш,хизматлар) етказиб берувчилар **"BUSINESS WOMAN-24" МЧЖ**, **"MEBEL ASL MARJON " МЧЖ** иштирок этишди. Уларнинг тижорат таклифига асосан нархи ўрганиб чиқилди. Ушбу лот буйича хеч қандай эътироз бўлмайди.

| № | Махсулот номи | Ўл бир | "BUSINESS WOMAN-24 MCHJ" | | | " MEBEL ASL MARJON МЧЖ " | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | миқ | нархи | суммаси | миқ | нархи | суммаси |
| 1 | 1 Офисный набор: Рахбар столи, Шкаф комбинированный, 2 Стул металл каркас, 3 Подставка для телевизора | комп | 1 | 68815000 | 68815000 | 1 | 7000000 | 7000000 |
| | **ЖАМИ:** | | | | **68815000** | | | **7000000** |

Юқоридаги масала юзасидан кун тартибидаги масала атрофлича мухокама этилиб, сўзга чиққанларни фикр ва мулохазаларидан келиб чиқиб йиғилиш

**Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И**

1. Шартнома тузилиши лозим бўлган юқорида келтирилган аутсорсинг хизмати асосида мебел тайёрллаб ясаб бериш бўйича нархи арзонлиги ва сифатлилигини инобатга олиниб **"BUSINESS WOMAN-24 MCHJ"** билан 68815000 тийинга шартнома тузиш маъқуллансин.

2. Бош хисобчи А.Жамирзаевга шартнома тузиш билан боғлиқ бўлган хужжатлар расмийлаштирилиб, вилоят ғазначилик бошкармасидан рўйхатдан утказилсин.

**Директор ўринбосари:** **Б.Тешабоев**

**Комиссия аъзолари:**

**А.Жамирзаев**

**Э.Аликулов**

**А.Шодмонов**

**Б.Абдурахмонов**

**Комиссия котиби**

**Котиб:** **Ш.Эгамназаров**